

ШАРҚОНА ЭРТАКЛАР ДАВРИ (1705-1730 ЙИЛЛАР)

Даниёрова Барчиной Абсаттаровна

Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақил изланувчиси.

АННОТАЦИЯ Ушбу мақолада биз француз эртагининг тараққоти кўриб чиқилган. Эртакларини таржимаси ҳақида сўз юритилган. Шарқ эртаги фантазиянинг чекланмаган имкониятларини очиб берди. Шунингдек мақолада Шарқона эртаklar эртакчилар айтиб ўтилган.

Танч сўзлар: «Етти рангли шаҳзода» (Le Prince à Sept Couleurs, 1731), «Кадур» (Cadour), «Тутикушлар» (Les Perroquets), «Альфинг ёки яшил маймун» (Alfing ou le singe vert), «Кичкина яшил қурбака» (La petite grenouille verte, 1731, «Алвон, оқ ва қора» (Rouge, blanc et noir).

Даниёрова Барчиной Абсаттаровна

Самарқандского государственного

института иностранных языков

Период восточных сказок (1705-1730)

АННОТАЦИЯ

В этой статье мы рассматриваем развитие французской сказки. Ходят разговоры о переводе его сказок. Восточная сказка раскрывает безграничные возможности фантазии. Именно поэтому в статье упоминаются сказители восточных сказок.

Ключевые слова:

«Принц семи цветов» (Le Prince à Sept Couleurs, 1731), «Кадур», «Попугай» (Les Perroquets), «Альфинг или зеленая обезьяна» (Alfing ou le singe vert), «Маленькая зеленая лягушка» (La petite grenouille verte, 1731, «Руж, белый и черный».

Daniyorova Barchinoy Absattarovna

Samarkand

Period of oriental fairy tales (1705-1730).**ANNOTATION**

In this article, we consider the development of the French fairy tale. There is talk about the translation of his fairy tales. An oriental fairy tale reveals the unlimited possibilities of fantasy. That is why the storytellers of Eastern fairy tales are mentioned in the article.

Key words:

«Prince of seven colors» (Le Prince à Sept Couleurs, 1731), «Cadour», «Parrots» (Les Perroquets), «Alfing or the green monkey» (Alfing ou le singe vert), «The little green frog» (La petite grenouille verte, 1731, «Rouge, blanc et noir».

Баъзи танқидчиларнинг Маърифат асрида сеҳрли эртак ўз ҳаётини тугатди деган фикри бизнингча тўғри эмас. Аслида XVIII аср француз адабий эртагининг гуллаб, яшнаган «**олтин асридир**». Эртак ўзининг маънавий йўналиши, тематикаси, образлар тузилиши ва ҳатто ҳажми жиҳатдан ўзгарди, холос. Бу ўзгаришлар рўй бераётган дунёвий қарашлар жараёнларининг оқибати эди, ҳамда эртаклардаги бу трансформациялар жамиятдаги ўзгаришларни кузатиб бораётган китобхонларнинг янгича эҳтиёж ва талабларига ўзига хос жавоби эди. Албатта эртак жанри ривожланишда давом этди. Салонларда янги-янги эртаклар ўқиларди. 1704-1750 йилларда герцогиня де Мэн (du Maine) салони жуда машҳур эди, унга ҳатто буюк француз файласуфи Вольтер ташриф этарди. Бу даврда ҳам сеҳрли адабий эртаклар в чоп этилди ва янги эртакнавислар анъанани давом этдиришди. Масалан, **Луиза Левек¹** (Louise Levesque, née Cavelier, **1703-1745**) қаламига **мансуб қуйидаги эртаклар:** «Аквамарин шахзодаси» (Le Prince des Aigues-Marines, 1722), «Кўринмас шахзода» (Le Prince Invisible, 1793), «Етти рангли

¹ Французская литературная сказка 17-18веков. Составитель: А.Строев. М.:Художественная литература, 1990г. С.246-407

шахзода» (Le Prince à Sept Couleurs, 1731), «Кадур» (Cadour), «Тутикушлар» (Les Perroquets), «Альфинг ёки яшил маймун» (Alfing ou le singe vert), «Кичкина яшил курбака» (La petite grenouille verte, 1731, «Алвон, оқ ва қора» (Rouge, blanc et noir). Бу эртаклар бугун ҳам француз ўқувчилари томонидан севиб ўқилади. Аммо улар ҳам болалар адабиёти тушунчасига мувофиқ эмасди, Улар ноширлар томонидан болалар ёши инобатга олиниб чоп этиларди. Аммо бу давр–шарқона эртаклар даври ҳисобланади. Антуан Галан (Antoine Galland, 1646- 1715 «Минг бир кеча» (Mille et une nuit, 1704-1717)² эртакларини таржимаси чоп этилиши сеҳрли эртаклар билан бир қаторда **шарқона эртакларга бўлган қизиқишни кучайтирди.** Шарқнинг ҳақиқий ҳолатини, шарқ халқларининг урф-одатларининг жонли манзарасини, сеҳрли фантастикасининг ғаройиб дунёсини шарқшунос Антуан Галан француз маданиятига олиб кирди ва Европага эшик очиб берди. Галан таржимаси XVIII асрдаги энг мукаммал таржималар сирасига кирганди. «Али Бобо ва Қирқ қароқчи» эртагининг француз тилидаги энг биринчи варианты бу Галан таржимасидир. Галан Куръони Каримни ҳам француз тилига таржима қилган. Француз олими ва эртакчиси **Франсуа Пети де Ла Круа** (François Petit de La Croix, 1653—1713)³ француз тилига Амир Темир ҳаёти ҳақидаги маълумотларини таржима қилган. Пети де Ла Круа форс ва араб тилларидан кўплаб эртакларни француз тилига таржима қилиб, «Эрон султони ва унинг вазирлари ҳақида» туркий эртакларини (1707), ва «1001 кун» форс эртаклари китобларини нашр эттирган. **Анри Пажон** (Henri Pajon, ? -1776), «Мустар кўчасидаги елпиғич сотувчи жаноб Жак» (M. Jacques, marchand éventailiste, rue Moussetard)⁴ тахаллуси билан «Меркюр» журналида 1744 ва 1745 йилларда ушбу жанрдаги ўз эртакларини чоп этади. Шарқ эртаги фантазиянинг чекланмаган имкониятларини очиб берди, у фантастика ва реал ҳаётни қўллаш санъатига, метаморфоза санъатига, янги ғаройиботларнинг пайдо бўлишига ўргатди. Шарқона эртаклардан сўнг ушбу жанрнинг бир неча турлари пайдо

² GALLAND, Antoine, Les Mille et unes nuits, Paris, éd. Barbin, in-12, 12 vol., 1704-1717

³ CROIX, François Pétis de la, Les Mille et uns jours, Paris, éd. vve. Ricœur, puis Compagnie des libraires, puis vve. Jombert, puis M. David, puis J.-G. Nion, 1710-1712, in-12, 5 vol.

⁴ PAJON, Henri, Ertzine et Parcelin, manuscrit traduit de l'arabe, tome XXXIV, dans Mercurus, novembredécembre 1744 et février-avril 1745, Paris.

бўлади: пародия эртақлар, сатирик эртақлар ва файласуфона эртақлар шулар жумласидандир. Ёзувчи эртақчилар шарқона мавзудан турли мақсадларда фойдаланишди. Масалан, улар сатирик ва файласуфона мавзуларни абсолют монархия ғояларига, черков, илмий, эстетик, адабий концепцияларига қарши ғояларда қўллашди. Аммо бу турдаги адабий эртақлар ҳам болалар учун эмас, балким катталар учун мўлжалланганди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.CROIX, François Pétis de la, Les Mille et uns jours, Paris, éd. vve. Ricœur, puis Compagnie des libraires, puis vve. Jombert, puis M. David, puis J.-G. Nion, 1710-1712, in-12, 5 vol.

2.GALLAND, Antoine, Les Mille et unes nuits, Paris, éd. Barbin, in-12, 12 vol., 1704-1717.

3.PAJON, Henri, Ertzine et Parcelin, manuscrit traduit de l'arabe, tome XXXIV, dans Mercuries, novembredécembre 1744 et février-avril 1745, Paris.

4.Французская литературная сказка 17-18веков. Составитель: А.Строев. М.:Художественная литература, 1990 г. С.246-407.